SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR HOKIMI
QARORI

2021 - yil 17 - iyun 2-9-130-Q/21 Guliston shahar hokimligi

Гулистон шаҳар Ўзбекистон шох кўчаси ва А.Навоий кўчаларига йўл белгиси ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрель кунги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори, Гулистон шаҳар ИИО ФМБнинг 2021 йил 3 июндаги “Гулистон шаҳар Ўзбекистон шох кўчасидаги “Саховат” савдо маркази олди томонига ва А.Навоий кўчасида жойлашган “Истироҳат” боғининг кириш дарвозасининг ўнг ва чап томонларига йўл белгиси ўрнатиш тўғрисида”ги 4356-сонли хати, Гулистон шаҳар адлия бўлимининг 2021 йил 15 июндаги 1-20/13-7/206-сонли хулосаси ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Гулистон шаҳар ИИО ФМБнинг 2021 йил 3 июндаги “Гулистон шаҳар Ўзбекистон шох кўчасидаги “Саховат” савдо маркази олди томонига ва А.Навоий кўчасида жойлашган “Истироҳат” боғининг кириш дарвозасининг ўнг ва чап томонларига йўл белгиси ўрнатиш тўғрисида”ги 4356-сонли хати, Гулистон шаҳар адлия бўлимининг 2021 йил 15 июндаги 1-20/13-7/206-сонли хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Гулистон шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бошқармаси (Б.Сайитназаров), Гулистон шаҳар ИИБ ЙҲХБ (И.Бекматов)ларга:

Гулистон шаҳар Ўзбекистон шох кўчасидаги “Саховат” савдо маркази олди томонига ва А.Навоий кўчасида жойлашган “Истироҳат” боғининг кириш дарвозасининг ўнг ва чап томонларига 3.27 “тўхташ тақиқланган” йўл белгиси ўрнатилиши вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (Э.Нуриддинов), мазкур қарорни, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга етказилишини ташкиллаштирсин.

5.Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Б.Муратов) зиммасига юклатилсин.

Гулистон шахар хокими **T.T.Dadabaev**